

СПОРТ ҲАКАМИНИНГ ТАРБИЯВИЙ ФАОЛИЯТИ

Жисмоний тарбия ва спорт инсон учун фақат жисмонан чиниқтириш воситаси бўлиб қолмай, балки маънавий жиҳатдан тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Халқимиз азал-азалдан таълим-тарбияга оид бой меросга эга бўлиб, авлодларда инсонпарварлик, камтарлик, дўстлик, меҳр-муҳаббат, биродарлик каби умуминсоний фазилатлар қаторида чинакам жисмонан баркамоллик сифатларини ҳам тарбиялаб келганлар.

Ватанимизни келажаги бўлмиш фарзандларимизнинг, биринчи навбатда, соғлом ҳамда жисмонан бакувват бўлиши, ақлий ва маънавий жиҳатдан камол топиши учун қулай шароитлар яратиш жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолият кўрсатиб келаётган мураббийларимиз, шу жумладан спорт турлари бўйича ҳакамлар фаолиятига ҳам боғлиқдир.

Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида спортнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. У ҳаётимизнинг янада бой ва мазмунли бўлишини таъминлаш билан бирга мамлакатимизнинг халқаро нуфузини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, у бизга саломатлик, жисмоний ва маънавий ривожланиш билан бирга, стресс ҳолатларидан чиқиб кетишга ёрдам беради, асаб тизимини мустаҳкамлайди ва ижобий ҳиссиётларни олиб келади.

Турли мусобақалар болалар, ўсмирлар ва ёшларни доимий равишда спорт билан ошно бўлишларида жуда катта ёрдам беради. Бунинг учун мусобақаларни тўғри ташкил қилиш ва ундаги ҳакамлик ишларини юқори даражада олиб бориш катта аҳамиятга эга.

Республикамизда қўл тўпи спорт тури бошқа спорт турлари каби ривожланиши ҳакамларга жамоалар, спорчилар билан бирга ҳам катта маъсулият юклайди. Улар ўз фаолияти, хатти-ҳаракатлари билан ўйинчиларни, мураббийларни, қолаверса, томошабинларни ҳам тарбиялайди. Шунингдек, тутиш керакки, ҳакамлар спорт майдонида аввало тарбиячи, кейин эса спорт ҳаками вазифасини бажаришлари керак. Улар ўйинчиларда бир-бирларини, рақибларини, мусобақа ташкилотчиларини ва томошабинларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашлари лозим.

Ҳакамлар ўзларининг малакали хатти-ҳаракатлари билан спортчиларнинг ўйиндаги фаолиятларини аниқ ва ҳолисона баҳолашлари натижасида тарбиячи вазифасини ҳам ўтайди.

Қўл тўпи ҳакамларининг иши маъсулиятли ва серташвишли вазифадир. Ҳакамлик обрўси буйруқ тарзида қозонилмайди, балки унга меҳнатсеварлик, профессионализм, виждонлилик ва ҳолислик билан эришилади, ўз навбатида, ҳакамлардаги бу ижобий сифатлар қобилиятли спортчиларнинг юқори натижаларга эришишларида катта ёрдам беради, уларни тарбиялашда муҳим роль ўйнайди.

Қўл тўпи ўйинларида кўпинча томошабинларни ҳужумкорлик руҳи қизиқтиради. Бу, ўз навбатида, спортчиларда ўзаро тўқнашувларни юзага келтиради, шунинг учун томошабинларга ўйиннинг гўзаллигини кўрсатиш ва

шу билан бирга спортчиларнинг жароҳат олишларини олдини олиш учун ҳакамларнинг маҳорати ўйинчиларникидан қолишмаслиги керак.

Ҳакамлар ҳакамлик қилиш сифатини ошириш билан бирга ўзларининг обрўларини ошириб боришади ва шу билан бирга ўйинчиларнинг спорт маҳоратларини, томошабинларни шу спорт турига бўлган қизиқишларини орттириш ва спортнинг оммавийлигини ошириш каби асосий ишларни ҳам амалга оширадилар.

Ўйиндаги натижа қанчалик аҳамиятли бўлмасин, ҳакамлар мусобақани ҳақиқий спортча кўтаринки руҳда ўтказишни таъминлашлари учун ўзларидаги барча имкониятларни ишга солишлари керак. Бунинг учун ҳакамларнинг энг асосий вазифаларидан бири ўйин давомида спортчилар саломатлигини сақлашдан иборатдир. Бундай спорт тадбирларини ўтказишда ўйин қоидалари мусобақани ҳаққоний ўтказишни кафолатлайди.

Мураббийлар, спортчилар, расмий кишилар, ҳакамлардан мусобақа қоидаларини доимо тўғри қўллашларини кутишади.

Улар ҳар қандай мусобақага ҳакамлар жиддий тайёргарлик кўришлари керак. Ўйин қоидаларини, ўйин қоидаларига тегишли бўлган ўзгаришларни ва мусобақа низомларини яхши билишлари шарт. Бу уларнинг бевосита профессионал вазифалари ҳисобланади.

Ҳар бир ҳакам ўйин қоидалари тўғрисидаги назарий билимларини амалиётда қўллай билиши керак. Ҳакамларнинг доимо ўз билим ва маҳоратларини оширишлари, мусобақаларни юқори даражада ўтказишларини кафолатлайди. Ҳаттоки тажрибали ҳакамлар ҳам ўз устиларида доимий равишда ишлашмаса, мусобақа пайтида жиддий ҳатоларга йул қўйишлари мумкин. Шунинг учун улар назарий билимларини амалий фаолиятда қўллашлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳакамларнинг олдида турган энг асосий вазифаларидан бири- бу тарбиявий жараёндир. Ўйин қанчалик шиддатли бўлиб, ўйин давомида жисмоний юклама қанчалик катта бўлмасин, ҳакамлар уни енгиб ўтишлари шарт. Ҳакамнинг ташқи кўриниши, унинг жисмоний тайёргарлиги, касбий маҳорати ўйинчиларга, мураббийларга ва томошабинларга ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳакамларнинг ўйинга тайёргарлиги, мусобақа даврида ўзларини тутишлари, юришлари, ўйингача расмий кишилар, мураббийлар ва ўйинчилар билан мулоқотда бўлишларида уларнинг тажрибалари қўл келади. Улар ҳар қандай вазиятда ҳам ўйинчилар, мураббийлар, расмий шахслар ва томошабинлар билан мулоқотда уларга нисбатан одоб сақлаган ҳолда муомала қилишлари лозим. Шунингдек, ҳакамларнинг ташқи кўринишлари спортчиларга фақат руҳий таъсир қилиб қолмасдан, балки намуна бўлиб ҳам хизмат қилиши керак.

Ҳакамлар кундалик ҳаётларида жамоатчилик ичида ўзларини тута билишлари, болалар ва ёшларни қўл тўпи ўйинига жалб қилиш, уни оммавийлаштириш, спортчиларни спорт маҳоратини ошириш ва спортнинг ривожланиши ҳамда тозаллиги каби жиддий масалаларни ҳал қилувчи кишилар эканликларини кўрсатишлари керак. Ўз жамоасига нафақат

меҳнати, билимини, балки бутун қалбини беришга тайёр бўлган мураббийлар билан мулоқотда ҳакамлар жуда ҳам одобли бўлишлари керак. Уларни жанжалга йўналтирмасдан, аксинча, улар ёрдамида беллашувлардаги қўполликларни бартараф этиб, жароҳатларни олдини олиб, ўйинчилар ўртасида қатта тартиб интизом ўрнатишлари лозим.

Охирги пайтларда кўп жамоаларнинг ўйинчилари муваффақиятга эришиш учун қўпол ҳаракат қилишмоқда. Бу, ўз навбатида, рақиб ўйинчиларининг жароҳат олишига олиб келмоқда. Шунинг учун тажрибали ҳакамлар ўйин бошланишидан олдин жамоа мураббийларини, сардорларини қўпол ҳаракатлар қилмаслик тўғрисида огохлантиришади.

Ўйин қоидаларини бузилишнинг олдини олиш- ҳар бир ҳакамнинг асосий вазифаси. Ҳакам аввало педагог-тарбиячидир. Улардаги камтаринлик, ўзини тута билишлик, мулойимлик ва талабчанлик уларга нисбатан ҳурматни янада ошишининг асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Спорт мусобақаларини бошқаришга жалб этилаётган ёш ҳакамларга қўйидагиларга эътибор беришларини тавсия этамиз:

1. Ўйин қоидалари ва уларга таълуқли кўрсатмаларни доимий равишда ўрганиш ва мустаҳкамлаб бориш.
2. Ўйин қоидаси бузилганда ўз вақтида аниқ сигнал, ишора бериш.
3. Ҳуштак чалингандан сўнг ўйинни давом эттирган ўйинчини, албатта, жазолаш.
4. Тўп дарвозага киритилгандан сўнг ўйин қоидасини бузган ўйинчини кечирмаслик.
5. Томошабинлар, мураббийлар ва ўйинчилар тазйиқида бирон-бир қарор қилмаслик.

Шундай қилиб ҳакамлик- бу ўйинчиларда спорт маҳоратини оширишни тарбиялашга қаратилган тарбиявий жараён. Бу жараёнга виждонан ёндашган ҳар бир ҳакам ёш спортчиларни етук спортчи бўлиб етиштиришларида ўз ҳиссасини қўшган бўлади.

**Собитхон Азизов, Наманган ДУ доценти в.б.,
педагогика фанлари номзоди,
кўл тўпи спорт тури бўйича
миллий тоифадаги ҳакам.**